



**PRIME AUDIT
ADVISORS**

AUDITORLIK TASHKILOTI

+998 77 754 44 14

+998 95 277 72 88

nurmuhamad.xomidov.86@gmail.com

Toshkent shahar, Qatortol
ko'chasi, 60-uy

@Nurmuhammad_Xomidov

H/R: 20208000300903801001, ATB "Ipak Yo'li",
MFO: 01036, INN: 305672276, OKED: 69202

“KVARTS” акциядорлик жамияти корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича ХУЛОСА

29 апрел 2026 йил

Тошкент шаҳри

Текширув субъекти ҳақида маълумот

Таъсис ҳужжатларига асосан тўлиқ фирма номи:	“KVARTS” акциядорлик жамияти
Почта манзили:	Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси 2 а
Телефон/факс:	+99890 950 20 55
Реквизитлари:	20210000300214148001 Асакабанк" Фарғона БХМ банкининг бош офиси, МФО 00873 СТИР 200124765

Текширувни амалга оширган ташкилот ҳақида маълумот

Ташкилот номи:	МЧЖ шаклидаги «PRIME AUDIT ADVISORS» аудиторлик ташкilotи
Юридик манзил:	Тошкент шаҳри, Қатортол кўчаси 60 уй
Баҳолаш ўтказишга асос:	2026 йил 27 апрелдаги 3/2026-сонли шартнома
Шартнома предмети:	2025 йил 1 январдан 2025 йил 31 декабргача бўлган давр учун « KVARTS » АЖ Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш

“KVARTS” АЖ кейинги ўринларда - Жамият) корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисидаги хулоса «PRIME AUDIT ADVISORS» АТ томонидан тайёрланди.

«PRIME AUDIT ADVISORS» АТ «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш амалга оширилган. Жамиятда корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил ҳолисона фикрни шакллантириш баҳолашни ўтказишнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан 25.07.2016 йилда тасдиқланган Саволнома асосида ўтказилди. «PRIME AUDIT ADVISORS» АТ фақат Жамият томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар асосида Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида шакллантирилган ўз нуқтаи назарини ифодалаганлик учун жавобгар ҳисобланади. Жамият тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материалларнинг тўлиқлиги, мазмуни ва ишончилиги учун жавобгар ҳисобланади. Олинган ҳужжатларнинг, маълумотларнинг ва бошқа материалларнинг асл нусхалиги

ва ишончилиги текширилмади ва баҳслашилмади. Баҳолаш амалга оширилгандан кейин «PRIME AUDIT ADVISORS» АТ га келиб тушган, ёки қандайдир сабабларга кўра тақдим этилмаган ҳужжатлар назорат ва масъулият доирасига киритилмади. «PRIME AUDIT ADVISORS» АТ Жамият томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил фикр ифодалаш учун етарли деб ҳисоблайди.

Жамият корпоратив бошқарувини баҳолаш бўйича йиғма

ЖАДВАЛ

№	Йўналишлар	Саволлар сони	Берилиши мумкин бўлган баллар		Ҳақиқий баҳо
			минимум	максимум	
1	Корпоратив бошқарув Кодексини жорий қилишга тайёрланиш ҳолатини баҳолаш	13	-135	135	135
2	Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига амал қилинишини баҳолаш	37	-360	360	260
3	Жамият ташкилий тузилмаси мувофиқлигини баҳолаш	3	-30	30	30
4	Танлов ўтказилишини баҳолаш	5	-45	45	0
5	МХХС ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтишни баҳолаш	3	-50	50	50
6	Замонавий бошқарув тизимларини жорий қилишни баҳолаш (ISO, ERP, НИОКР ва бошқалар.)	5	-55	55	40
7	Ахборот сиёсатини баҳолаш	5	-170	320	163
8	Молиявий натижаларни баҳолаш	4	-150	150	50
9	Жамият фаолиятининг бошқа йўналишларини баҳолаш	25	-205	55	50
	Жами	100	-1200	1200	778

Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларига кўра 778 балл тўпланди ва баҳолаш натижаси йиғиндиси 64,83 фоизни ташкил этади.

«PRIME AUDIT ADVISORS» АТнинг якуний хулосасига мувофиқ “KVARTS” АЖ нинг корпоратив бошқарув тизими даражаси ўтказилган баҳолаш натижаларига кўра **юқори** деб эътироф этилади.

Direktor:



N.Xomidov

